

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил Январдан чиқа бошлаган



ТЕРИМ МАВСУМИ: ВАҚТ ҒАНИМАТ

Самарқандда ғўза баргини тўқтириш, пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда кузги йилда экинни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йилнинг бўлиб ўтди. Унда туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, тегишли бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, республика вазирлик ва идоралари вакиллари қатнашди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув ҳужалиги вазири Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Бу йил вилоят пахтакорларининг самарали меҳнати эвазига мўл ҳосил етиштирилди. Лекин бу хотиржамликка асос бўла олмади. Утган йилги хатоларни такрорламаслик, барча ишда қаттиқ тартиб ва назорат ўрнатилиши зарур. Даладаги ҳосилни қисқа муддатда нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш учун барча қува ва имкониятни сафарбар этиш керак. Ғўза баргини тўқтиришни пайсалга солиб бўлмайди. Зеро, вақт ғанимат.

Мавсумга теримчиларни етарлиқ жалб этиш билан бирга, машиналардан унумли фойдаланиш лозим. Афсуски, жойларда бу борада

зуибуларчилик кайфияти мавжуд. Ҳисобда турган 330 та машинадан бор-йўғи юзтаси ишга тайёрлигини қандай изоҳлаш мумкин? Қурак чувиш техникаси, транспорт воситалари ва бошқа зарур асбоб-ускуналар ҳам тўлиқ шай ҳолга келтирилмаган.

Йиғилишда кўрсатиб ўтилган барча камчиликларни тезда бартараф этиш юзасидан муртасади раҳбарларга аниқ топшириқлар берилди. Шунингдек, суғориладиган майдонларга бошоқди дон экинларини муддатда экиш, агро-техника қўдаларига қатъий риоя этиш, уруғлик сифатига алоҳида эътибор қаратиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Алишер Мардиев қатнашди.

Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎЗА мухбири.

1998 йил 19 сентябрь шанба
Сотувда эркин нархда
№ 188 (1969)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



Юртимизнинг Бир Кўни

БОЛГАРИЯМИ? МАРҲАМАТ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Полкан» (Болгария) авиакомпаниялари ўртасида меморандум имзоланди. Унга кўра Тошкент-София йўналиши бўйлаб янги рейслар қатъий бошланди. Энди «Олтин қум»да дам олиш исстигада юрганлар, сайёҳлару ишбилармонлар Болгарияга тўғридан-тўғри бора оладилар.

162 КИЛОМЕТРГА ҚИСКАРАДИ

Ғузур - Бойсун - Қумқўрғон темир йўлининг асосий қисми Ҳисор тизма тоғларидан ўтади. Айни кунларда ана шу оғир участкаларда меҳнат қилаётган «Самарқандсувқурилиш», «Сурхонсувқурилиш», Қашқадарёга бир қанча қурилиш ташкилотлари қисқа вақтда 75 миллион сўмлик иш бажардилар. Темир йўл битса, Қашқадарё - Сурхондарё оралигидаги масофа 162 километрга қисқаради. Бундан ташқари, Ҳисор тоғлари бағридан топилган керамзит, туз, гипс конларини ўзлаштириш ҳам тезлашади.

«ФОБИ» МАЪҚУЛ БЎЛДИ

Пойтахтдаги «Дилек интерпрайз» корхонаси конвейердан «Фоби» печенелари чиқа бошлади. «Узметсавзавотузусаноат» ҳиссадорлик жамиятининг лойиҳаси асосида бунёд этилган цехларда Италия ва Туркиядан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилган. Айни кунларда битта линия ишлапти. Корхона мутахассисларининг таъкидлашича, яқин кунларда яна учта линия монтаж қилинаркан.

ОҚ ЙЎЛ, ЙЎЛОВЧИ!

Қисқа фурсатда Андижон - Уш автомобиль йўли ёқасида бир-биридан ғўзал, бетакор иморатлар қад кўтарди. «Узавтосаноат» концерни буюртмасига кўра, польшалик мутахассислар лойиҳаси асосида қурилган ушбу автокемининг йўловчиларнинг дилтортар манзилларига айланиб қолди. Автокемининг қошида барча турдаги машиналарга техник хизмат кўрсатиш шохбачаси ишлайдиган бўлди.

САНҲАТ ЎЛМАЙДИ

Самарқанд илмий-таъмирлаш устaxonасининг қўли тул усталари Шохизинда мажмуини таъмирлашга киришдилар. 21 мақбардан иборат ушбу обидалар жамламаси Сомониийлар даврида бунёд этилган. Орадан ўн асригача вақт ўтди. Қанча-қанча жулган-жадалларнинг гувоҳи бўлган Шохизинда яна яшаридан бўлди. Қусам ибн Аббос мақбарасининг уйкар эшигининг (уйка 1401-1404 йилларда уста Саид асаган) олинган намуна асосида имом Бухорий мавсуфига ҳам худди шу тахлитда эшик ясаш режаланди.

ШОҲИМАРДОНДА ЙЎЛЛАР ҚУРИЛДИ

Табий офатдан зарар кўрган Шохимардон қишлоғининг «Уриқсор» маҳалласида давлат лойиҳаси асосида 50 та замонавий уй қурилиши бошланган эди. Айни кунларда уларнинг бир қисми битди. Уларга кўп болали, кам таъминланган оилалар кўчиб қирадиган бўлиши. Айримлар ҳовли тўйлашни қилишди. Ердон қишлоғида ҳам ана шундай уйлар тикланапти.

Хабарларни
«Халқ сўзи» мухбири
Исматилла ТОШЕВ
тайёрлади.

ҲАРБИЙЛАР ЧИРЧИҚДА ТЎПЛАНИШАДИ


Шу йилнинг 21 сентябидан 26 сентябрга қадар Чирчиқда (Тошкент вилояти) НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида АКШнинг Атлантика қўмондонлиги ва Марказий Осиё батальони қўшинлари иштирокида йилнинг энг асосий ҳарбий машғулотлари бўлиб ўтди.

Бундай тадбирни ўтказишдан мақсад, минтақавий ҳамкорликни ва НАТО билан ҳарбий машғулотларга иштирокчи янада яхшилашга қаратилган. Машғулотларда АКШ, Россия, Туркия, Озарбайжон, Грузия, Ўзбекистон, Қозғоғистон ва Қирғизистондан 700 нафарга яқин аскар широк эътиш кутулимоқда. Машғулотлар асосан уч фазда ўтказилади. Дастлабки икки фаза Чирчиқда бўлса, учинчи фаза 26 сентябрдан 28 сентябргача Қирғизистоннинг Уш шаҳрида бўлиб ўтди. Унга сарфланиган умумий харажатлар миқдори 5 миллион АКШ долларига тенг.

МАШИНА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ



репортаж



Тўрақўрғонликлар жорий йилда 6800 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжалламоқдалар. 1500 гектар майдондаги пахта ни эса машиналарда териб олиш кўзга тутилган. Туманининг «Намуна» ширкат хўжалиги водийда биринчи бўлиб машина теримини бошлаб юборди. Хўжалик пахтакорлари 789 гектар ердаги пахтанинг 40 фоизини машиналар кўмагида териб олишга аҳд қилганлар.

СУРАТЛАРДА: пахта терим машинаси ҳайдовчиси Илҳом Абдуллаев. У мавсумда машинада 150 тонна пахта терини ният қилмоқда; иш қизғин; далаларда пахталар қийғос очилган.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

САЛОҲИЯТИМИЗГА ИШОНЧ НАМОЙИШИ

Дунё — яхши дунёлар. Бу факат эҳсолий тунунча эмас. Давлатлар бир-бири билан иқтисодий риштилар орқали боғланиш, савдо муносабатларининг ривожланиши муҳим омилларидир. Бирга айланган бу тунунча қамровини янада кенгайтириш. Боз устунга, ахборот асрида янада яқинлашган бўлиши билан бирга, биринчи бўлиб бир-бирига ақс-садо беришига эришиш қўлай.

Россия қимматбаҳо қозғолар бозорига, умуман молиявий ҳаётини руй берган танглик, рублнинг қисқа вақт мобайнида қаддан зиёд тез қадарсирилиши бу мамлакат аҳолисини ваҳимага солиб қўйди. Хаш-паш дегунча нарх «яно»лаб кетди, магазинлар шип-шайдон бўлиб қолди. Қўпни қўрган дўкдорлар эса сув «тиниши» ни кутиб, савдо қилмай қўйди...

Яширишнинг ҳолати йўқ, бизнинг ҳамюртларимиз қўпнига ҳам хавотир тушиди: ҳар қалай Россия билан иқтисодий ҳамкорлигимиз бор. Бунинг устига, беқисс табиий бойликлар, иқтисодий имкониятларга эга бўлган давлат икки-уч ҳафтада шундай аҳволга тушиб қолса? Бу бизга таъсир қилмасмикин?

Хайриятки, Ўзбекишимиз Исом Каримов бу хавотирга чек қўйди. Давлатимиз раҳбари Россияга иқтисодий танглик Ўзбекистонга сезиларли даражада таъсир қила олмаслигини журналистларга берган интервьюсида тегинди.

— Туманимизда бу йил пиез мўл бўлди, — дейди Наманган туманидан келган Фазилат Йўлдошева. — Қайнотам Ҳожимурод ота аёл дўкдор. Пиездан ташқари, мейва-сабзавот ҳам экканмиз. Беш тонна пиез келтириб сотганим. Ҳар бир дўкдор меҳнатидан яхши даромад олишни ўйлайди. Бизнинг туманда пиез кўп экканда. Тошкентда эса аҳоли кўп — маҳсулот тез сотилади.

Арвайс тумани «Отақул» фермер хўжалиги аъзоси Дилбар Ҳожимуродова шундай дейди:

— Етиштирилган маҳсулотларимизнинг бир қисминини Тошкентга келтириб сотишга одаланганмиз. Бу йил қўвун йили бўлди. Тошкентликлар ноз-неъматларни бажонидил харид қилишмоқда. Биз ҳам инсоф билан иш тутиб, танлаб олинг, дегимиз харидорга.

Қосимжон ота Ҳакимов, Қува туманидаги шахсий то- морқа соҳибкори:

Қува анорининг таърифи беқисс. 25 сотих томорқамизнинг даяриги армияга анор экканмиз. Анор баҳонасида Тошкентга ҳар йили бир келаман. Бу йилги сафарим муваққиллигини эти йилги таърифи тўғри келди. Шу баҳонада пойтахтнинг томоша қилдим. Ешим етмишда, шаҳардаги ўзгаришлар мени лол қолдирди. Пойтахтимизга, юртимизга кўз тегмасин.

Анорни неча пулдан сотяси, дегинимиз? Қиммат сотиб харидорни рағбатланиш бирақ топмайди, юртимизда арзончилик бўлсин дегиман. Тошкентликлар Қуванинг анорини бе раҳмат дейишса, қиёф.

— Россияда юз бераётган озик-овқат танқислиги ҳақидаги хабарларни эшитиб тураимиз, — дейди Юнусов туманининг 13-маеванда яшовчи Ирина Белова. — У ерда болаларга бериладиган сўт маҳсулотларининг айниқса, камийиб кетаётганини айтишпти. Республикаларда бунинг тамоман акси, магазиндан истаган маҳсулотининг топширини мумкин. Бозорлардаги танқиллик, бунинг устига, арзончиликни кўриб, Ўзбекистон фуқароси бўлганимдан фарқланаман...

Йўлбошчимиз одамлар дунёқарашини, тафаккурини ўзгариштириб туриб, фаронон ҳаётга эришиб бўлмайди деган фикрларни кўп таъкидлайди. Россия руй берган иқтисодий «яшилди» биз учун талофатсиз кечгани, юртдошларимизнинг асосан таъкидлаш тушмагани, ўз куч-имкониятларига ишончи, ҳақиқатан ҳам, ана шу тафаккур ўзгариш бораётганини дўшлариди.

Қуни кеча Россиядаги ҳукумат тангитида нукта қўйилди. Мамлакатда молиявий, иқтисодий ҳаёт изга туша бошлагани кўнглига хотиржамлик бахш этди. Зеро, қўшининг тинч — сен тинч, деган мақол бежиз айтылмаган.

Пўлат НИШОНОВ,
Аҳмад ХҲҲА,
(ЎЗА)

ЯҚИН СУЎБАТДОШ

«Халқ сўзи» халқиники. Унинг маънавияти, қадр-қиммати ифодаланган бўлди. Ҳар қандай тўқималардан ҳоли, мавқуи ва сароб фикрлардан ҳоли суўбатдош истасангиз, юртимизнинг келажиги, Ватанимизнинг ҳамма йўналишлар бўйича ўсиб ва ўзгариш бораётганидан воқиф бўлишни хоҳласангиз, «Халқ сўзи» газетаси билан бирга бўлинг.

Эминиз дастурхонини тўқингил, Ватанимиз қамолоти учун тиниб-тинимайётган фидойи раҳбарлар, эмин деб, юртим деб, эниб яшайётган ҳар бир инсоннинг хизмати «Халқ сўзи» газетасида мунтазам ёритилади.

Азизлар, шу кунларда обуна мавсуми бошланди. 1999 йилда руй беражак воқеалар

ОБУНА-99

Ҳамма буюк ишлар, уқан қурилишлар, яратувчанлик, ризққа тўли далалимизда тоғ-тоғ хирмон бунёд этиш, албатта, Сиз овоз замондонимиз тўғайлидир. Шу боис мамлакатимизнинг энг йирик нашрларидан бири «Халқ сўзи» саҳифаларини асосий мавзу — Инсон бўлиб қолади. Янги Сизнинг манфаатларингиз, ўй-орзуларингиз олиб чиқилади.

ЯҚИН СУЎБАТДОШ

«Халқ сўзи» халқиники. Унинг маънавияти, қадр-қиммати ифодаланган бўлди. Ҳар қандай тўқималардан ҳоли, мавқуи ва сароб фикрлардан ҳоли суўбатдош истасангиз, юртимизнинг келажиги, Ватанимизнинг ҳамма йўналишлар бўйича ўсиб ва ўзгариш бораётганидан воқиф бўлишни хоҳласангиз, «Халқ сўзи» газетаси билан бирга бўлинг.

Эминиз дастурхонини тўқингил, Ватанимиз қамолоти учун тиниб-тинимайётган фидойи раҳбарлар, эмин деб, юртим деб, эниб яшайётган ҳар бир инсоннинг хизмати «Халқ сўзи» газетасида мунтазам ёритилади.

Азизлар, шу кунларда обуна мавсуми бошланди. 1999 йилда руй беражак воқеалар

ҳар биримизнинг тақдиримиз билан бевосита қамбарас кечеди, албатта. Ҳаётнинг ўзига янаша янглиқларни, турли-туман воқеаларини бағрига олиб янги кун бошланади. Тоғ отади. Ана шу бегубор, сокин тоғ нафаси, кайфияти замани тарқ этмай туриб тафсилотлар эшигини очган «Халқ сўзи»ни қўла олсангиз, Фирқингизни тарқайласиз. Маънавий чанқоқлик ҳовури бошланади. Бу ҳеч нарсани билан ўзлашмайдиган давлат. Шу давлатдан бебаҳра қилишни истамаган юртдошларимизга эса нашр курашчиларимизни кўрсатиб ўтмиз:

Якка обуначилар учун — 166
Ташкилотлар учун — 167

Газетхон ҳузурда ҲАР БИР НАШРНИ ЎҚУВЧИНИНГ ЎЗИ ТАНЛАЙДИ

1. Газетамизни мунтазам ўқиб борасизми?
2. Кейинги пайтда чоп этилган қайси мақолалар сизга мавқу бўлди?
3. Қандай мавзуларга кўпроқ эътибор қаратишимизни истардингиз?

Дилбархон МАҲМУДО-ВА, ТошДУ география факультети 4-курс талабаси:

1. Ҳа. Университет биноси ёнидаги кносадан ҳар тонг «Халқ сўзи» сотиб олам. Бу мен учун одат тушига кирган. Мамлакатимиз тараққилари билан боғлиқ янглиқлардан хабардор бўлиб бориш, ҳар бир талаба учун табиий ҳолга айланиши керак.

2. Журналист Расул Раҳмоновнинг «Янглиққа интилан одам олданда боради» деган сарлавҳали мақоласи менга жуда ёқди. Кўп нарсани ўргандим. Меҳнат қилган одам, ўз қамолатини магаруланган одам инанам юксак чўққиларни забт этишти ишонч ҳосил қилдим.

3. «Халқ сўзи»да Ешлар билан ишлаш бўлими борми? Агар бўлса, ёшларимиз ҳақида алоҳида саҳифалар бериб берилса яхши бўларди. Талабаларнинг газетда чиқиларига ҳам эътибор қаратиш лозим.

«Халқ сўзи» халқиники. Унинг маънавияти, қадр-қиммати ифодаланган бўлди. Ҳар қандай тўқималардан ҳоли, мавқуи ва сароб фикрлардан ҳоли суўбатдош истасангиз, юртимизнинг келажиги, Ватанимизнинг ҳамма йўналишлар бўйича ўсиб ва ўзгариш бораётганидан воқиф бўлишни хоҳласангиз, «Халқ сўзи» газетаси билан бирга бўлинг.

Эминиз дастурхонини тўқингил, Ватанимиз қамолоти учун тиниб-тинимайётган фидойи раҳбарлар, эмин деб, юртим деб, эниб яшайётган ҳар бир инсоннинг хизмати «Халқ сўзи» газетасида мунтазам ёритилади.

Азизлар, шу кунларда обуна мавсуми бошланди. 1999 йилда руй беражак воқеалар

1. Ҳа, кносадан сотиб олам. Газета талабаларга сабоқ бериш пайтимида ҳам қўл келди.

2. Президентимиз Фармонларни, Олий Мажлис Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорларини синчиқлаб ўқийман. Урганаман. Улар

Хўжар ОЛИМБЕКОВА, Тошкентдаги 17-гимназия мактабининг бошланғич сиф ўқитувчиси:

1. Мактабининг ўқитувчиларининг барчаси «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарини доимо ўқиб боришади. Мен ҳам. Ҳар бир экили ўз юртимизда содир бўлаётган янглиқлардан хабардор бўлиб бориши шарт. Яна бир нарсани айтсам, газетанинг кейинги пайларда тушунари, ҳақ тилига юқи, чиройли изоҳларга бий шаклда чоп этилапти.

2. «Саодатнома» саҳифасидан кўп нарсани ўрганаман.

3. Танқид, лўқма, фелетон кам.

Шароф ИСКАНДАРОВ, Бухоро вилояти, Қорақўла тумани, янчи:

1. Қишлоқда яшайман. Биз томонларда дўкдордан газетани топши қийин. Кам келади. Телевизорда газеталарни шарҳлашга қизиқарли мақолаларни айтишадим...

2. «Халқ сўзи»да Ешлар билан ишлаш бўлими борми? Агар бўлса, ёшларимиз ҳақида алоҳида саҳифалар бериб берилса яхши бўларди. Талабаларнинг газетда чиқиларига ҳам эътибор қаратиш лозим.

«Халқ сўзи» халқиники. Унинг маънавияти, қадр-қиммати ифодаланган бўлди. Ҳар қандай тўқималардан ҳоли, мавқуи ва сароб фикрлардан ҳоли суўбатдош истасангиз, юртимизнинг келажиги, Ватанимизнинг ҳамма йўналишлар бўйича ўсиб ва ўзгариш бораётганидан воқиф бўлишни хоҳласангиз, «Халқ сўзи» газетаси билан бирга бўлинг.

Эминиз дастурхонини тўқингил, Ватанимиз қамолоти учун тиниб-тинимайётган фидойи раҳбарлар, эмин деб, юртим деб, эниб яшайётган ҳар бир инсоннинг хизмати «Халқ сўзи» газетасида мунтазам ёритилади.

Азизлар, шу кунларда обуна мавсуми бошланди. 1999 йилда руй беражак воқеалар

1. Ҳа, кносадан сотиб олам. Газета талабаларга сабоқ бериш пайтимида ҳам қўл келди.

2. Президентимиз Фармонларни, Олий Мажлис Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорларини синчиқлаб ўқийман. Урганаман. Улар

МУЯССАР РАЗЗОҚОВА: СИМФОНИК МУСИҚА — РУҲИЙ ОЗУҚА

— Ўзбекистонимизда халқаро симфоник мусиқа фестивали ўтказилишини эшитиб, ниҳоятда қувондим. У маънавий ҳаётимизда катта воқеалар. Аҳамияти юртимизнинг анъанави равишда ўтказилган доврўқи «Шарқ тароналари» халқаро симфоник фестивалига қиёслаш мумкин. Симфоник мусиқа фестивали ҳам она дунёимизда ўтказилаётганлиги бизни беҳад мамнун этди. Шунинг устунга Ўзбекистоннинг оёсийшалик, тинчлик, бунёдкорлик, меҳнат ва ижод ўлкаси сифатида ривож топиб, халқаро оғури қозонаётганлиги яна бир далиллардир.

Шуни айтмоқчиманки, симфоник мусиқани тушунаган одамнинг фикрларига даражаси кенг бўлади. Симфония нималар билан одам операни яхши тушунади.

Бир қарашда симфоник мусиқани тушунаш оғир. Чунки унинг эши ҳам, тинглаш, қабул қилиш ҳам қийин. Бу санъатнинг муҳлиси бўлиш учун маълум тайёргарлик керак. Симфония энгил мусиқадан тубдан фарқ қилиб, кишини фикр юритишга ундайди. Лекин у тушунаш даражасига етган киши бебаҳо ҳазина эгаси бўлади.

Симфонияни тушунаган фирқандар улуг инсонлар бўлиб

Ўтказилаётган тадбир. Мен Ватанимизда жаҳоннинг энг яхши опера асарлари янрашини истаганман. Дуҳовий, камер мусиқа фестиваллари бўлиб ўтишини орзу қиламан. Сабабки, бу санъатлар жаҳонда беҳудлага қадрланмайди. Яна бир бор таъкидлайман, инсон руҳининг, ички дунёсининг ғўзал бўлишида симфоник мусиқанинг ўзига хос ўрни борки, бунинг ҳеч нарсани тенглаштириб бўлмайди. Симфоник мусиқа — инсон қалбига мурожаатлар. Шунинг учун ҳукуматимизнинг ушбу анжумани ўтказиётгани хайрилик.

Сўхбатни Абдурахмон ЖҮРА ёзиб олди.

1. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1-модда. Қонуннинг мақсади ва вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади ҳужалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳужалик шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун ҳужалик шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ҳуқуқий асосларини, ҳужалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва давлат бошқаруви органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатларини белгилайди.

2-модда. Ҳужалик шартномалари туғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ҳужалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишда юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3-модда. Ҳужалик шартномаси тушуниши

Тарафлардан бири шартлашган мўддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув ҳужалик шартномаси дейилади.

4-модда. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномани муносабатларнинг асосий принциплари

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномани муносабатларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: ҳужалик шартномаларини тузишнинг эркинлиги; тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги; шартнома интизомия ривож этиш; тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги.

5-модда. Ҳужалик шартномаларнинг субъектлари

Юридик шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахслар ҳужалик шартномаларининг субъектлари (тарафлари) бўлади.

6-модда. Ҳужалик шартномаси тарафларнинг ҳуқуқлари

Ҳужалик шартномаси тарафлари белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ҳужалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;
- ҳужалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма ҳулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;
- давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимоснома билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш, ва улардан асосланган ҳолда эъза жавоблар олиш;
- бошқа тарафнинг иқтисодий ҳуқуқи, нуфузи ва ишончлилик жиҳатлари ҳисобидан маълумотларни тўлаш;
- ҳужалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунида назарда тутилган воситалари ва усулларини қўллаш.

7-модда. Ҳужалик шартномаси тарафларнинг мажбуриятлари

Ҳужалик шартномаси тарафлари: ҳужалик шартномалари туғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳужалик шартномаларнинг ўз вақтида тузилишини таъминлашлари;

тузилган ҳужалик шартномалари бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт. Ҳужалик шартномаси тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

- давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шартномаларини, шунингдек контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш ишларини мувофиқлаштириш боради;
- ҳужалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатларини риоялантириш учун шароит яратиш чора-тадбирларини қўради.

9-модда. Давлат бошқаруви органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

Давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

- ҳужалик шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатади;
- ҳужалик шартномалари ҳамда уларни бажаришнинг аҳоли туғрисидаги статистика маълумотларини умумлаштирилади;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳужалик шартномаларнинг бажарилиш жараёнини назорат қилиб туради;
- ҳужалик юритувчи субъектлар юридик тизмаларининг иштини ташкил этишга, юридик маслаҳатчиларнинг маълумотларини олишга қўмақлашади;
- ҳужалик шартномасини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнида қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилганлиги факти аниқланган тақдирда, айбдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида

II. ҲўЖАЛИК ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ, БАЖАРИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10-модда. Ҳўжалик шартномасига нисбатан қўйиладиган талаблар

Ҳужалик шартномаси шартнома предмети, етказиб бериладиган товарнинг (ишининг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг рекузитларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган биринчи аризасига кўра ўзаро келишувга эришилган бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Ҳужалик шартномасида ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланаётганда тарафлар (ишлар, хизматлар) ҳақини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳам бўлмаган миқдорда олинган тўлаб қўйиш албатта назарда тутилган бўлиши керак.

Ҳужалик шартномасини тузишда тарафлар тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган ҳамда ҳуқуқий экспертизадан белгиланган тартибда ўтказилган сўнг эълон қилинган ўзларининг намунавий ёки типовой шартларига (шақллари) амал қилишлари мумкин.

Контрактация шартномаси қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини етиштирувчи жойлашган ерда тузилади. Контрактация шартномасида бошқа талаблар билан бир қаторда етказиб берилётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳам бўлмаган миқдорда аванс тўловлари назарда тутилган бўлиши лозим.

11-модда. Ҳўжалик шартномасининг шакли

Ҳужалик шартномаси битимлар тузиш учун назарда тутилган ёзма шаклда тузилади. Агар шартнома тузиш тақдирини ушбу Қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган тартибда қабул қилинган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя этилган деб ҳисобланади.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳўжжати тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳўжжат шартномасида тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳўжжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

12-модда. Ҳўжалик шартномасини тузиш

Ҳужалик шартномаси, қонда тариқасида, тарафлардан бирининг офери (шартнома тузиш ҳақида тақлиф) йўлиши ва иккинчи тараф уни ақсептлаши (тақлифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, ҳўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

13-модда. Ҳўжалик шартномасининг амал қилиши

Ҳужалик шартномаси тузилган пайтдан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Тарафлар ўзаро тузган ҳўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақидирлар.

Ҳужалик шартномасининг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

14-модда. Ҳўжалик шартномасини бажариш

Ҳужалик шартномаси шартнома тарафлари ҳамда қонун ҳўжжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартнома ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Ҳўжалик шартномасининг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш, кафилик, кафолат, закалат ҳамда қонун ҳўжжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан таъминланиши мумкин.

15-модда. Ҳўжалик шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш

Агар қонун ҳўжжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳўжалик шартномаси тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Ҳужалик шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг уни ўзгартириш ёки бекор қилиш туғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

Ҳужалик шартномасини бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки ҳўжалик шартномасининг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳўжжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳўллар бундан мустасно.

Тарафлардан бирининг талаби билан ҳўжалик шартномаси ҳўжалик суднинг қарорига биноан фақат иккинчи тараф ҳўжалик шартномасини жиддий равишда бузган ёхуд қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳўлларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг ҳўжалик шартномасини бузиш иккинчи тарафга у ҳўжалик шартномаси тузишда умид қилишга ҳақиқ бўлган нарсадан кўп даражада мақрум бўладиган қилиб зарар етказиши ҳўжалик шартномасини жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги тақлифга иккинчи тарафдан рад жавоби олинган кейингина ёки тақлифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёки шартномада белгиланган мўддатда, бундай мўддат бўлмаганда эса - ўттиз

кунлик мўддатда жавоб олмаганидан кейин, ҳўжалик шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш туғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

16-модда. Ички ҳўжалик шартномасини тузиш

Ички ҳўжалик шартномаси, қонда тариқасида, ҳўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлиналари ўртасида ёки ҳўжалик юритувчи субъект ва унинг ходими (бир гуруҳ ходимлари) ўртасида тузилади.

Қонун ҳўжжатларида назарда тутилган ҳўлларда, ҳўжалик юритувчи субъектлар маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш юзасидан ички ҳўжалик шартномаларининг ўзаро бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар билан тузган ҳўжалик шартномаларидагидан кам бўлмаган ҳажимда тузилишини таъминлашлари шарт.

Агар қонун ҳўжжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ички ҳўжалик шартномаларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 353-385-моддаларининг нормалари қўлланилади.

III. ҲўЖАЛИК ШАРТНОМАСИ БўЙИЧА ТАЛАБНОМАЛАР ВА ДАВВОЛАР

17-модда. Талабнома билдириш тартиби

Ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳўжалик юритувчи субъект мазкур ҳуқуқ ва манфаатларини бузган ҳўжалик юритувчи субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳақидир.

Талабнома ёзма шаклда билдирилади. Талабномада қўйиладиган кўрсатилди: талабнома билдирган ҳўжалик субъектининг ва талабнома билдирилётган ҳўжалик субъектининг ном; талабнома билдирилган сана ва унинг рақами;

- талабнома билдириш учун асос бўлган ҳўллар;
- талабномада баён этилган ҳўлларнинг тасдиқловчи далиллари;
- арз қилувчининг талаблари;
- талабнома суммаси ва унинг ҳисоб-китоби, арз қилувчининг тўлов ва почта реквизитлари;
- талабнома илова қилинаётган ҳўжжатларнинг рўйхати. Талабнома ҳўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчинин оғоҳлан-тирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилди ёхуд тилхат олиб топширилади.

Юқлари таъиниш ва алоқа хизматлари кўрсатишга доир операциялардан келиб чиқадиган талабномаларни транспорт ва алоқа ҳўжалик юритувчи субъектлари билдириш тартиби ва мўддатлари қонун ҳўжжатларида белгилаб қўйилади.

18-модда. Талабномани кўриб чиқиш тартиби ва мўддатлари

Узига талабнома билдирилган ҳўжалик юритувчи субъект талабномани олган кундан бошлаб бир ой мўддат ичида унга жавоб қайтариши шарт.

Талабномага жавоб ҳўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Талабномага жавоб буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчинин оғоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилди ёхуд тилхат олиб топширилади.

Талабнома тўлиқ ёки қисман тан олинган тақдирда ҳўжалик юритувчи субъект арз қилувчига ўзи тан олган суммани ик-тирий равишда ўтказди.

Агар талабномани тан олиш туғрисидаги жавобга тан олинган сумма ўтказилиши ҳақида маълумот бўлмаса, талабнома билдирган тараф жавоб олингандан сўнг йигирма кун мўддат ўтгач, банк муассасасига қарздор тан олган суммани сўзсиз тартибда ўтказиш туғрисидаги фармойишни тақдим этишга ҳақиқ. Фармойишга қарздорнинг жавоби илова қилинади.

19-модда. Давво аризасини бериш ҳамда суд буюртини олиш учун ариза тақдим этиш

Тараф рад (қисман рад) жавобини олган тақдирда ёки талабномага белгиланган мўддатда жавоб олмаган тақдирда, шунингдек ҳўжалик шартномаларни юзасидан талабнома билдирмай ҳам ҳўжалик судга даъво аризаси бериши ҳамда суд буюртини олиш учун ариза тақдим этиши мумкин. Мазкур аризаларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Ҳўжалик процессуал кодекси 102-121-моддаларининг қондаларига кўра белгиланади.

IV. ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТДАН ТАЪМИНЛАНИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. ҲўЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИ ТУғРИСИДАГИ ҚОНУН ҲўЖАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

20-модда. Ҳўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш

Ҳўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш уларнинг юридик хизматлари ёки ана шу мақсадда шартнома асосида жалб этилган адвокатлар томонидан амалга оширилади.

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати: ҳўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг

белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

ҳўжалик шартномаларни бажарилиши устидан ўзаро текирувлар ўтказилишини назорат қилади;

ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган ҳўжалик шартномалари лойиҳаларининг ва уни билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳўжжатларнинг қонун ҳўжжатлари талабларига мувофиқлигини текиштиради;

тайёрланган ҳўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳўжжат лойиҳаси қонун ҳўжжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътирозини асослаган ҳолда уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради;

шартномавий муносабатларни тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

21-модда. Ҳўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

Ҳўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳўжжатларига мувофиқлиги юзасидан текириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳўжжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз барваридан ортқ суммадаги ҳўжалик шартномалари ҳўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма ҳулосасидан кейингина тузилади.

Ҳулосада, қонда тариқасида, қуйидагилар кўрсатилди:

- ҳўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳўжжатлари билан тартибга солиниши;
- ҳўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳўжжатлари талабларига мос келиш-кеلمаслиги;
- тарафларнинг жавобгарлиги метёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳўжжатлари талабларига мос келиш-кеلمаслиги.

22-модда. Ҳўжалик шартномалари бажарилишини ўзаро текириш

Ҳўжалик шартномаларининг тарафлари ҳўжалик шартномаларининг ўз вақтида ва лозим даражада бажарилишини ўзаро текириш турадирлар. Шартнома мажбуриятлари бузилган ҳўлларда ҳўжалик юритувчи субъект раҳбари ҳўжалик шартномалари бажарилиши учун чора-тадбирлар кўриши, ҳўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, шунингдек зарур ҳўлларда айбдор шахсни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт.

23-модда. Ҳўжалик шартномалари туғрисидаги қонун ҳўжжатларига риоя этилишини назорат қилиш

Ҳўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган қонун ҳўжжатларига риоя этилиши устидан назоратни қонунларга мувофиқ прокуратура органлари амалга оширадирлар. Бу органлар айбдор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш, ҳўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарур чора-тадбирларни қўради.

Адлия органлари ҳўжалик юритувчи субъектларига шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажариш чоғида ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар, шунингдек ўз ваколатлари доирасида ҳўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қиладилар.

V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

24-модда. Ҳўжалик шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги

Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф:

- бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, ушбу Қонунда, ўзга қонун ҳўжжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

Агар қонун ҳўжжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун ушбу Қонуннинг 25-32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

25-модда. Товарларни етказиб бериш мўддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик

Товарларни етказиб бериш мўддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик

Товарларни етказиб бериш мўддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Тошкент шаҳри, 1998 йил 29 август.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1998 йил 1 ноябрдан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳуқумат қарорларини "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида"ги Қонунга мувофиқлаштириши, республика вазирликлари ва ижоралари ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳўжжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлашсин.

Товарларни етказиб бериш мўддатларини кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳўлларда, товар етказиб беришчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни т



Президент Кубоги ЕНГИЛИШ САНЪАТИ



Пойтахтимизда давом этаётган Президент Кубоги халқаро мусобақасида 17 сентябрь куни яна тўртта учрашув ўтказилди. Дастлаб кортга мамлакатимиз теннис ишқибозларининг энг яқин кишисига айланиб қолган швейцариялик Марк Рөссе ҳамда Германиядан ташриф буюрган — Карстен Браш таклиф этилди. Уларнинг ўзаро баҳси томошабинлар учун жудаям қизиқarli, бироқ теннисчиларнинг ўзлари учун ўта оғир кечди. Дастлабки сетда Браш 6/4 ҳисобида ғолиб чиқди. Иккинчи сетда эса Рөссе рақибига кортнинг ҳар бир нуқтасида дадил-

лик билан қаршилик кўрсатди ва 7/6 натижа билан Брашни мағлуб этишга эришди. Ҳакам учинчи сет баҳсини бошлаши билан швейцариялик теннис қиролнинг ҳаракатларида сус-кашлик, бушанглик сезилди. Бундан ўз вақтида унум-



ли фойдаланган Браш ҳисоб-китоб бўйича олдинга чиқиб олди. Умумий натижа 6/4, 7/6, 6/3 га етган пайтда ҳазилкаш Рөссе ўз мағлубиятини мардларча тан олди. Рақибига ҳам ҳакамлари ишқибозларга ҳам имо-ишоралар билан миннатдорчилик билдирган ҳолда кортни тарк этди. Кимдир шундай маҳоратли

теннисчининг 1/8 финалдаёқ мағлуб бўлганлигига ич-ичидан ачинди. Яна кимдир унинг мардлигига таҳсинлар ўқиди.

Президент Кубогининг кейинги учрашувларида Шалкен — Искуде, Пескосолидо — Леви, Хинмен — Раңлар баҳс бойлашди. Унда Эскуде, Пескосолидо ва мусобақанинг ўтган йилги ғолиби Хенмен (Англия) ғалаба қозондилар.

Шундай қилиб, Президент Кубогининг асосий ўйинларида қатнашаётган теннисчилардан саккиз нафари ғолиблик учун курашларни янада давом эттирадиган бўлди. Кунни кеча Ка-



фельников — Этлис, Пиолен — Сафин, Браш — Эскуде, Пескосолидо — Хенмен ўртасида 1/4 финал учрашуви ўтказилди.

Президент Кубоги халқаро мусобақасини ёритиш учун мамлакатимиз ва дунё журналистларидан жами 206 киши рўйхатга олинган.

Нормурод МУСОМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЭЪТИБОР

Навоий вилоятида футболни ривожлантириш жамғармаси тузилди. Навоий қоп-металлургия комбинати, «Қизилқумсемет» ҳисдорлик жамияти қўшма корхонаси, миллий банк бўлими, «Навоийдонмаҳсулотлари», «Нефтьмаҳсулотлари», «Вилоятгаз», вилоят электр тармоқлари корхонаси ва спорт кўмитаси унинг таъсисчилари бўлди. Жамғарманинг асосий вазифаси вилоятнинг барча ҳудудларида футболни ривожлантириш, жойларда жамғарма секцияларини ташкил этиш, қимматбаҳо қозғалар, спорт лотереялари, футбол ва спорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборат бўлади.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетида «Олий ўқув юртлирида халқаро инсонпарварлик ҳуқуқларини ўқитиш» мавзусида семинар бўлди. Сўзга чиққан сийёсатчилар, ҳуқуқшунослар, олимлар ва дунёнинг турли қитъаларидан келган халқаро тахсилотлар вакиллари Ўзбекистондаги олий ўқув даргоҳларида бу борада анча илгарилар кетишганлигини таъкидлашди.

Исматилла ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Теннис бўйича Президент Кубоги

мусобақаси давомида
ҳар куни **БЕПУЛ**
ўтказиладиган **МАТЧНИНГ**
лотерея ўйинларида қатнашиб,

ҒАРОЙИБ СОВҒАЛАРНИ
ЮТИБ ОЛИНГ!

Сиз теннис қондасини билмасангиз
ҳам ғолиб бўласиз.

Марҳамат, ўзингизни
синаб кўринг

14-19 сентябрь. Юнусобод.

Расмий ҳомий Nestle

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:
М. ЕГОРОВ
(масъул котиб —
«Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИ,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК
(бош муҳаррир ўринбосари —
«Народное слово»),
М. САҒАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
- Ҳуқуқ — 136-07-94;
- Иқтисодиёт — 136-36-65;
- Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85;
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
- Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
- Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-20;
- Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00001
Буюртма Г — 0329,
27353 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида
босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II
компьютерда терилди
ҳамда операторлар
Сергей ЛУКИН ва
Жамид ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир —
Қ. НОРҚОВИЛ.
Навбатчи —
Н. МУСОМОВ.
Мусаххих —
Ш. МАШРАБОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми
5 қоғоздан зиёд
материаллар қабул
қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмаҳонаси.
Корхона манзили:
«Булок Турон»
кўчаси, 41.

Босишга топшириш
вақти — 21.00
топирилиши — 21.00
1 2 3 4 5 6

МАКТАБГА «ДАМАС»

«Истиқлол» ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги 420 ўқувчи сабоқ олаётган мактабни қуриб, жиҳозлаб берган Марҳамат пахта тозалаш заводи жамоаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Яқинда улар ана шу мактаб жамоасига «Дамас» микроавтобусини ҳадя этишди.

Ўз мухбиримиз.

ИҚТИСОСЛАШТИРИАГАН «ЗАМИН» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК ИПОТЕКА БАНКИ

Аҳолининг пул маблағлари тўғрисидаги маълумотлар сир сақланишини ва омонатларга жалб этилган жамғармалар мижозларнинг биринчи талабларига мувофиқ ўз вақтида берилишини

КАФОЛАТЛАЙДИ
ВА ҚУЙИДАГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ:

- Талаб қилиб олингунча — йиллик 10%
- Муддатли омонатлар: — йиллик 20%
- 3 ой муддатга — йиллик 25%
- 6 ой муддатга — йиллик 25%
- 12 ой муддатга — йиллик 36%

«Замин» банки Сизнинг ҳақиқий ҳамкорингиз.
Банк хизматидан фойдаланинг!

Маълумот учун ҳар бир вилоят марказидаги филиалларга ва Тошкент шаҳридаги мақселимиз:
П. Ржевский кўчаси, 3-уйа (Миробод деҳқон бозори)
мурожаат этишигиз мумкин.
Телефонларимиз: 54-14-98, 55-72-97.

LL@988

ТАШКИЛОТ

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ УЧУН

ЯШИК ТАХТАЧАЛАРИ,

ВС

БАҲОСИ ЮҚОРИ
ЭМАС.

ТАЙЁР

ЯШИКЛАРНИ СОТАДИ

Тўлов шакли турлича. Тел: 55-37-27, 191-09-43.

LL@1003



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

СЕРҚУЁШ ЮРТМИЗИНИНГ
МУҲТАРАМ МЕҲМОНЛАРИ!

ЭНГ УНИВЕРСАЛ БАНК
ҲИСОБЛАНМИШ ЎЗБЕКИСТОН
АКЦИОНЕР-ТИЖОРАТ
САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ

сиз, азизларга ўз хизматларини таклиф этишдан гоаят мамнулигини изҳор этади ва аҳолидан миллий валюта «сўм»да ва бошқа чет эл валюталарида жамғармаларга маблағларни республикамизнинг барча вилоятларининг 47 та бўлимида жойлашган 167 та жамғарма кассаларида омонатларни чегараланмаган миқдорда қабул қилади.

БАНК СИЗНИНГ САРМОЯЛАРИНГИЗ ҲАҚИДАГИ
МАЪЛУМОТЛАРНИ СИР САҚЛАШНИ ВА СИЗНИНГ
БИРИНЧИ ТАЛАБИНГИЗ БИЛАН ҚАЙТАРИБ БЕРИШНИ
КАФОЛАТЛАЙДИ.

БАНК МАВЖУД БЎЛГАН 10 ТУРДАГИ ОМОНАТЛАРНИНГ
СИЗ ИСТАГАН ТУРИГА САРМОЯЛАРИНГИЗНИ ЖАЛБ
ҚИЛИБ, КЎПАЙТИРИБ БЕРИШГА ҚОДИР.

ЭЗГУ ИШЛАРИНГИЗГА РИВОЖ,
САРМОЯЛАРИНГИЗГА БАРАКОТ-ТИЛАЙМИЗ.

BD/975

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

1998 ЙИЛ
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

АСПИРАНТУРАГА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ВА АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА

ватан тарихи; иқтисодиёт назарияси; макроиқтисодиёт; микроиқтисодиёт; менежмент; эконометрика ва статистика; молия, пул муомаласи ва кредит; бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит; жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар; аҳолишунослик ва меҳнат иқтисодиёти; регионал иқтисодиёти; маркетинг; фалсафа тарихи;

ДОКТОРАНТУРАГА

иқтисодиёт назарияси; макроиқтисодиёт; микроиқтисодиёт; менежмент; эконометрика ва статистика; молия, пул муомаласи ва кредит; бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит; маркетинг.

Хужжатлар 25 октябргача қабул қилинади.

Бу масала бўйича қуйидаги адресга мурожаат қилишигиз мумкин:
700063, Тошкент, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49 (маъмурият биноси),
408 хона, телефон: 45-24-42.

BD/996

ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ
УЮШМАЛАРИ, ҲАМДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРУВЧИ ХЎЖАЛИК
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ТОШБОЗОРТАЙЁРЛОВСАВАО»
УЮШМАСИ

чекланмаган миқдорда қишги захирага сақлаш учун
картошка ва пиёз харид қилади.



Маҳсулот ҳақи аввалдан 100 фоиз пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Маълумотлар учун телефонлар: 136-36-47, 136-71-53.
Манзилгоҳимиз: Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси-31 уй.

LL@999

Реклама ва
эълонлар
136-09-25

Тошкент Давлат Техника университети ректорати ва қасаба уюшмаси «Электроника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси» факультети доценти А.И. Йўлдошевга онаси Тухтахон ва МУСАЕВЛарнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилинди.